

ЛИНГВОПОЭТИКА: ПОЭТИК НУТҚДА ЭКСПРЕССИВ ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР.

Муҳаммадтохир Абдупаттоев

Доцент, филология фанлари доктори, Фарғона давлат университети,

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7199712>

Аннотация: Мақолада лингвопоэтиканинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланган поэтик синтаксис масалалари, поэтик синтаксиснинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланган поэтик нутқ таркибида иштирок этувчи экспрессив ва экстралингвистик воситаларнинг асосий белги-хусусиятлари ёритилган.

Калим сўзлар: лингвопоэтика, поэтик синтаксис, экспрессология, эмоционаллик, экспрессив нутқ, актуал бўлиши, экстралингвистика, индивидуаллик, синтактик фигура, тасвирийлик, таъсирийлик.

LINGUOPOETICS: EXPRESSIVE AND EXTRALINGUISTIC MEANS IN POETIC SPEECH.

Abstract: the article deals with the issues of poetic syntax, which is one of the main directions of linguopoetics, describes the characteristics of expressive and extralinguistic means involved in the structure of poetic speech, which is considered the main object of the study of poetic syntax.

Keywords: linguopoetics, poetic syntax, expressology, emotionality, expressive speech, actual articulation, extralinguistics, individuality, syntactic figure, figurativeness, affectivity.

ЛИНГВОПОЭТИКА: ЭКСПРЕССИВНЫЕ И ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА В ПОЭТИЧЕСКОЙ РЕЧИ.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы поэтического синтаксиса, являющимися одним из основных направлений лингвопоэтики, изложены характеристики экспрессивных и экстралингвистических средств, участвовавших в структуре поэтической речи, которая является основным объектом изучения поэтического синтаксиса.

Ключевые слова: лингвопоэтика, поэтический синтаксис, экспрессология, эмоциональность, экспрессивная речь, актуальное членение, экстралингвистика, индивидуальность, синтаксическая фигура, образительность, аффективность.

КИРИШ

Поэтик синтаксис доирасида тадқиқ этиладиган асосий муаммолардан бири муаллиф асарларининг синтактик ўзига хослиги ва унда эмоционал-экспрессивликнинг ифода этилиши масаласидир. Муаллифнинг синтактик қурилмаларни шакллантириш маҳорати унинг индивидуал синтактик услубиятини белгилайди. Синтактик поэтика бевосита муаллиф ифода имкониятларига таъсир қилади. Фақат синтактик тадқиқотлар доирасидагина муаллифнинг ижодий ”тортиғи” тилнинг синтактик қурилишига қанчалик таъсир кўрсата олганлиги, янги шаклдаги синтактик қурилмалар бера олганлиги ва унда эмоционал-экспрессивликнинг қандай даражада ифода этилганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Г.О. Винокур таъбири билан айтганда, “муаллифнинг тил хусусиятларидаги ўзгаришларни мунтазам кузатиб бориш мақсадга мувофиқдир, чунки таниқли ижодкорларнинг индивидуал эволюциясидаги ўзгаришлар тил эволюциясидаги ўзгаришлар демакдир”[1]. Шунинг учун ҳам муаллиф тилининг индивидуал ўзига хослигини таҳлил қилиш лингвопоэтик категория сифатида муаллиф синтаксисининг ўзига хослигини кўрсатади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Поэтик синтаксис тилшуносликнинг қизиқарли, шу билан бирга, мураккаб тармоғи сифатида майдонга келди. Фақат поэтик нутқдагина, унинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, танланиши, шаклланиши ва жойлаштирилишига кўра, синтактик қурилмалар алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Синтактик қурилмалар бунда нафақат поэтик нутқни шакллантиради ва ахборот етказиш учун хизмат қилади, балки бир пайтнинг ўзиде, эстетик юкламага ҳам эга бўлади. Бундан ташқари, турли синтактик-композицион, ритм яратувчилик, экспрессив-стилистик функцияларни бажаради. Нутқ муаллифи услубининг шаклланишида синтактик ўзига хосликнинг ўрни белгиланганда, муаллиф стилистик имкониятларининг юзага келишида у томонидан яратилган синтактик қурилмаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Муаллиф синтаксиси даврлар ўтиши билан тил синтаксисига ҳам таъсир қилади. Бундай пайтда грамматика бадий фикрлаш, ижодий психология ва дунёнинг муаллиф томонидан яратилган бадий тасвирини акс эттиради.

Поэтик синтаксис ўзиде кўплаб синтактик қурилмаларнинг хилма-хиллиги, грамматик синонимларнинг бой имкониятлари, гапнинг хилма-хил ва мураккаб турларини бадий ифода воситалари ресурси сифатида сақлайди. Шунинг учун ҳам поэтик нутқнинг ўзига хос тил хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, чунки поэтик нутқдагина тил ва нутқ бирликлари ўзининг функционал имкониятларини тўла намоён қила олади. Поэтик синтаксисда грамматика ва поэтиканиннг ўзаро муносабати реаллашади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, поэтик нутқ грамматиканиннг синтактик-стилистик қонуниятлар доирасида тадқиқ этилишини талаб қилади. Бунда синтактик қурилмаларнинг синтактик-семантик хусусиятлари – қисмларнинг тартибланиши, қурилмаларнинг узун-қисқалиги, предикатив-модал бўлақларнинг фикрнинг ривожлантирилишидаги иштирокига диққат қаратилади. Поэтик нутқда актуал бўлиниш масаласи ҳам синтактик тадқиқотлар доирасига киради. Тема ва рема муносабатининг юзага чиқиш тартиби ҳам поэтик нутқда маълум стилистик функция бажаради. Грамматик бирликларнинг поэтик шакллантирилиши ва экспрессив имкониятлари, жанрий-стилистик коннотацияси поэтик нутқда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Поэтик синтаксис таҳлиллари шуниси билан фарқланадики, поэтик нутқни ташкил этган синтактик қурилмалар таркибидаги сўзлар гуруҳи (бўлақлар тизими) фақат маънолари ва бўлақ сифатидаги белгиларига эмас, поэтик нутқда бажарган вазифаси, поэтик нутқ учун хосланишига эътибор қаратилади[2]. Бадий нутқнинг лексик таҳлилида марказий текширув объекти сўз ҳисобланса, поэтик нутқнинг синтактик тадқиқида жумла, гап ва суперсинтактик бутунликлар[3], уларнинг таркибий қисмлари таҳлилга тортилади. Лексик тадқиқотларда сўз қўллашдаги адабий меъёрлардан чекиниш ҳолатлари, сўзларнинг ўз ёки кўчма маъноларда ишлатилиши(троплар масаласи) ўрганилар экан, уларни тўла изоҳлаш учун контекст (нутқ ёки матн) зарур бўлади. Поэтик синтаксисда поэтик нутқ контекст вазифасини бажаради. Поэтик синтаксисда синтактик қурилмаларнинг типологияси, гап таркибидаги сўзларнинг грамматик алоқаси билан бирга, синтактик қурилмалардаги мазмун ўзгаришлари, муаллиф томонидан уларга юкланган семантик-стилистик вазифалар ва қисмларнинг ўзаро семантик муносабатларига ҳам эътибор қаратилади. Одатда, синтактик қурилмалар таркибида фигуралар қўлланганда, фикр ифодасида семантик-стилистик ўзгаришлар кузатилади.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф томонидан тузилган синтактик

қурилмаларнинг турлари поэтик нутқ мавзуси ва асарнинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда танланади. Ҳатто синтактик қурилмаларнинг шаклий томонлари ҳам муаллифнинг поэтик фикр ифодасидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, болалар учун ёзилган шеърларда содда ёйиқ ёки содда ййиқ гапларнинг қўлланилиши фикрни оддий ва ихчам ифода этиш имконини беради.

Поэтик нутқ муаллифнинг ички дунёси ёки унинг лаҳзалик туйғуларининг бадиий ифодаси бўлганлиги учун ҳам, ифодада тил воситаларининг энг маҳсулдор, маъно ва мазмун товланишларини тингловчига еткази олувчи турлари сараланади. Объектив борлик ва реал воқелик поэтик нутқ муаллифининг туйғулари орқали тасвирланади. Фикр шиддати ва муаллиф туйғулари (у ижобий ёки салбий бўлишдан қатъий назар) поэтик ифодада ўз аксини топади. Эмоционалликка йўғрилган поэтик ифода синтактик қурилмаларнинг шу ҳолатга мос тарзда шаклланишини тақозо этади. Фикр ва туйғуларнинг содда, қўшма ёки мураккаб қурилмалар воситасида ифода этилиши, яъни фикрга мос қурилма шакллантирилиши поэтик нутқнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ана шундагина поэтик нутқда шакл ва мазмун уйғунлиги юзага чиқади, кўзланган мақсадга тўлиқ эришилади.

Поэтик нутқнинг синтактик хусусиятларини ўрганишда эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир масала экспрессивликдир. Экспрессивлик муаммоси тилшуносликда узок йиллардан буён тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келади. Ўзбек тилшунослигида, А.Абдуллаев, Б.Умуркуловларнинг[4] ишларида экспрессивлик масалаларига диққат қаратилган.

Экспрессивлик, энг аввало, эмоционал туйғуларнинг поэтик ифодасида кўринади. У фикрни тез, ифодали, таъсирли ва тасвирий ҳолатда еткази, Экспрессивлик бўйича изланишлар олиб борган рус тилшунос олимаси Е.И.Королева экспрессивликнинг аниқ таърифини беради: “экспрессивлик инсон туйғулари ва эмоционал ҳолатларини ифодаловчи тил ва нутқ категорияси бўлиб, мазкур категориянинг асосий хусусияти сифатида коммуникация жараёнида адресатга воқеликка муносабат, эмоционал баҳолаш, туйғуларини ифодалаш йўли билан таъсир қилиш кабиларни кўрсатиш мумкин”[5]. Демак, экспрессивлик тилнинг энг асосий вазибаларидан бири ҳисобланган таъсир қилиш функциясининг юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди. Мазкур категория поэтик нутқда тилнинг хилма хил бирликлари ва нутқий воситалари ёрдамида ифода этилади. Экспрессивликнинг поэтик нутқда самарали қўлланилиши натижасида эмоционал таъсирга эга бўлган эффе́кт шаклланади. Шу йўл билан асосий мақсадга эришилади. Е.И.Королеванинг таъбири билан айтганда, “эмоция шодлик, қувонч бўлса, уларни ташқи томондан ифодаловчи рақс экспрессивликдир”[5]. Шунинг учун ҳам экспрессивликни поэтик синтаксиснинг функционал-семантик аспектида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Поэтик нутқ – бу, экспрессив нутқдир. Шунинг учун ҳам поэтик нутқни ўрганишда унинг экспрессив жиҳатларига эътибор қаратиш, экспрессивликнинг юзага келишини таъминловчи восита ва фигураларни тадқиқ этиш бундай нутқ моҳиятини кенг ва атрофлича ўрганиш учун имконият яратади.

Экспрессивлик поэтик синтаксис доирасида эмоционаллик, образлилик тасвирийлик, таъсирийлик каби тушунчалар билан кесишади. Шулар билан бирлашади, узвий боғланган бўлади. Шунинг учун ҳам лингвистик адабиётларда бу тушунчалар доимо ёнма-ён қўлланади.

Бугунги кунда экспрессивликнинг бадиий нутқдаги ўрни ва функцияси тадқиқи шу қадар чуқурлашиб кетдики, натижада

тилшуносликда экспрессив фонетика, экспрессив лексика, экспрессив морфология, экспрессив синтаксис тушунчалари пайдо бўлди. Рус тилшуноси Н.П.Романова ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ шундай ёзган эди: “Тилшуносликда тилнинг тасвирий воситалари ҳақидаги маълумотлар шу қадар кўпайиб кетдики, бу ҳолат лексикологияда янги йўналиш шаклланишига олиб келди. Бу йўналишни шартли равишда экспрессология деб аташ мумкин”[6].

Экспрессивликнинг юзага келишида эмоционаллик муҳим аҳамиятга эга. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, экспрессивлик эмоционалликка нисбатан кенг тушунча бўлиб, у нафақат эмоционалликни, балки эркин интеллектуал функцияни ҳам юзага чиқаради. Экспрессивликка берилган турли таърифлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, экспрессивлик услубий нейтрал воситадан фарқли тарзда ўзининг ифодалилиги, эмоционалликни субъектив баҳолаш йўли билан таъсир этиши, воқеликка ёки адресатга бўлган муносабатини эмоционал ифодалаш билан характерланади. Унинг ифода воситалари сифатида бадиий тасвир воситалари, троплар ва поэтик нутқнинг шаклланиш жараёнида қўлланивчи турли синтактик-стилистик фигураларни кўрсатиш мумкин.

Поэтик синтаксис доирасида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан яна бири поэтик нутқнинг яратилишига таъсир қилувчи экстралингвистик омиллар масаласидир. Нутқнинг яратилиш жараёнида, фикр ифода этиш учун фақат лингвистик омилларга таянилмайди. Нутқнинг қандай шаклланишига ташқи таъсир кўрсатувчи шундай категориялар ҳам мавжудки, улар тилшуносликда экстралингвистик омиллар деб юритилади[7]. Поэтик нутқнинг шаклланиш жараёнида унга ташқи (лингвистик характерга эга бўлмаган) экстралингвистик омилларга тилшунослар томонидан: а) муаллиф шахси ва унинг дунёқараши; б) поэтик нутқнинг миллий хусусиятлари; в) коммуникация предмети ҳақидаги мавжуд билим (маълумотлар); г) даврнинг ижтимоий ҳолати; д) нутқ мавзуси, нутқий вазият ва ҳ.к.з [8] каби хусусиятлар таъкидлаб ўтилади. Шундан келиб чиқиб, экстралингвистик омилларнинг асосий белги-хусусиятлари сифатида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

а) муаллиф шахси ва унинг дунёқараши. Нутқнинг яратилишида муаллиф шахсининг “ким” эканлиги, унинг қандай муҳитда улғайгани, маълумоти, характери, дунёқараши, билимлари мажмуаси кабилар муҳим ҳисобланади, бу поэтик нутққа ҳам тегишлидир, чунки поэтик нутқнинг шаклланишида муаллифнинг “мен”и тўла акс этади. Бу омиллар нутқ мазмунига ҳам таъсир этади, ифодада ҳам кўзга ташланади. Муаллиф ҳар қандай воқеликни ўз позицияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб тасвирлайди ёки баён қилади. Агар маълум бир ижодкор мисолида унинг поэтик асарлари шу нуқтаи назардан таҳлил этилса, бу омил яққол кўзга ташланади;

б) поэтик нутқнинг миллий хусусиятлари. Ҳар қандай поэтик нутқда миллий характер намоён бўлади. Миллатнинг умумий белги-хусусиятлари, анъаналари, маданияти, урф-одатлари кабилар, ҳатто, поэтик нутқ шу мавзуда бўлмаса ҳам, сезилиб туради. Чунки нутқ муаллифи ҳам маълум бир миллат фарзанди, иккинчидан, нутқнинг тингловчиси, адресати шу миллат вакиллари бўлгани учун ҳам, муаллиф онгида шу халқ сиймоси гавдаланиб туради. Миллийлик хусусияти гап қурилиши – шеърий сатрларнинг шаклланишига ҳам таъсир қилади. Масалан, ўзбек ва хитой шеъриясидаги синтактик қурилмалар ҳам кескин фарқланади. Шунингдек, “Япон миллий шеър шакли бўлган хайкулар бошқа миллат шеърларидан синтактик қурилиши жиҳатидан ҳам, семантикаси жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади” [9];

в) коммуникация предмети ҳақидаги мавжуд билим (маълумотлар). Нутқ предмети фикрнинг нима ёки ким ҳақида кетаётганлиги, нима ҳақида маълумот берилаётганлигидир. Нутқ муаллифи шу предмет ҳақидаги ўзида мавжуд маълумотлардан ортиғини баён қила олмайди. Муаллиф имконияти бу борада чегараланган бўлади. Муаллиф ҳатто романтик фантазияга берилганда ҳам (бу поэтик нутқнинг бир белгиси), қўшимча информация етказолмайди;

г) даврнинг ижтимоий ҳолати. Поэтик нутқнинг яратилишида давр руҳи, ижтимоий-сиёсий воқелик ўз аксини топади. Бу экстралингвистик омил поэтик нутқ муаллифининг нимани, қандай, ёритиш ҳақида бош қотиришига сабаб бўлади, чунки муаллиф ҳаммаълум бир давр, маълум бир жамиятнинг фарзанди. Турли даврларда яратилган поэтик асарларни таҳлил қилар эканмиз, давр, замон, вақт, сиёсат каби категориялар нафақат поэтик асарлар мавзуси, ғояси ёки тасвир характериға, балки лексикаси, синтактик қурилмаларнинг тузилиши, шеърини шаклларға ҳам таъсир қилганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Ғ.Ғулом билан Иқбол Мирзо ёки Фахриёр шеърларини таққослайдиган бўлсак, мавзу ёки ғоядан ташқари, синтактик қурилмаларда, шеърини шаклларида ҳам катта фарқ борлигини кузатиш мумкин;

д) нутқ мавзуси, нутқий вазият ва ҳ.к.з. Жуда кўп ҳолларда айнан нутқий вазият поэтик нутқнинг яратилишига туртки беради. Айниқса, поэтик нутқ муаллифи ёлғиз ижод қилаётган вақтида ҳам ўз онгида нутқий вазият яратади ва бу вазият асарға кўчади. Шу вазиятда нималарни айтиш муҳимлигини инобатға олган ҳолда, муаллиф фикрларини саралайди. Вазиятдан келиб чиқиб, мавзуни белгилайди, ифода воситаларини танлайди. Шу тарзда яна бир экстралингвистик омил поэтик нутқ яратилишиға таъсир қилади.

ХУЛОСА

Умуман, поэтик нутқнинг шаклланишида экспрессив ва экстралингвистик воситаларнинг таъсири юқорида биз тўхталиб ўтган хусусиятларига кўра кўзға ташланади. Фақат экстралингвистик воситаларнинг у ёки бу тури маълум бир нутқнинг яратилишиға фаол таъсир этса, бошқа бир нутқда нофаол бўлади. Экспрессивлик тилнинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган таъсир қилиш функциясининг юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди. Мазкур категория поэтик нутқда тилнинг хилма хил бирликлари ва нутқий воситалари ёрдамида ифода этилади. Экспрессивликнинг поэтик нутқда самарали қўлланиши натижасида эмоционал таъсирға эға бўлган эффект шаклланади. Поэтик нутқни таҳлил қилишда мана шу жиҳатларға ҳам эътибор қаратиш лингвопоэтика ва унинг алоҳида соҳаси ҳисобланган поэтик синтаксис учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Лингвопоэтикани тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида баҳолаб, унинг мақомини белгилаш, ўрганиш объектлари ва муаммоларини аниқлаштиришда юқоридаги каби масалаларға эътибор қаратиш мақсадға мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – Москва: Высшая школа, 1991. – С.447.
2. Патроева В.Н. Типы и функции осложняющих конструкций в языке русской поэзии XVIII-XIX в.в. Автореф... дисс...док...фил...наук. СПб, – С 53.
3. Abdupattoyev M.T. Syntactic composition of poetic speech // Central Asian Journal of Literature, Philosophy, & Culture (CAJLPC) ISSN: 2660-6828 Table of Content - Volume 3 | No 4 (Apr 2022). Page: 30-35.

4. Абдуллаев А. Экспрессивлик и фодалашнинг синтактик усули. Тошкент. “Фан” 1987, - Б 86., Умуркулов. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент “Фан”. 1981, - Б. 110
5. Королева Е.И. Экспрессивные грамматические средства языка в аспекте функционально-семантического поля (на материале современной британской баллистики). Автореф... дисс... канд... фил... наук. Екатеринбург. 2016, - С 32.
6. Романова Н.П. О метаязыке раздела лексикологии, изучающего экспрессивную лексику // Экспрессивность на разных уровнях языка : межвуз. Сб. науч. трудов. Новосибирск, 1984. С 6-19.
7. Жербило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд. 5-ое, дополн. Назрань: «Пилигрим», 2010, - С 486 .
8. Abdupattoev M.T. Unusual Connections As Forming literary texts. The American journal of social science and education innovations/ 2021. Volume – 03, Issue – 02-28. Page: 177-182. DOI: <https://doi.org/10.37547/tajssei>.
9. Ричард Медхарст. Японская поэзия хайку: искусство краткости. [https:// www.nippon.com](https://www.nippon.com). (мурожаат куни: 21.04.2021)
10. Abdurahmanov Vohidjon Abdusattorovich, Methodological and semantic classification of alternative interrogative pronouns. FSU. SCIENTIFIC NEWS- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФЕРГУ №1, 2022г.
11. V. Abduraxmonov. Comparative analyses of educational models. FRONTLINE SOCIAL SCIENCES AND HISTORY JOURNAL. Journal Website: <https://frontlinejournal.s.org/journals/index.php/fsshj> С 2022
12. V. Abduraxmonov. Modern methods of teaching English. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS VOLUME 1 , ISSUE 7. November 2021 Collection of Scientific Works 2021.
13. Abdupattoev, M. T. (1998). Supersyntactic integrity in the Uzbek text. Candidate's dissertation abstract.
14. M. Abdupattoev, V. Abdurahmonov (2021). Microtext composition. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11 (1), p.466-473. 29.
15. Abdurahmanov, V. Abdupattoev, M Bisubstantivation in alternative interrogative sentences. Issues of linguistic theory and practice. 2022 <https://doi.org/10.5281/zenodo.6528949>